ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2014 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиётимиз ўсишининг барқарор юқори суръатларини таъминлаш, энг муҳим юқори технологияли ва замонавий объектларнинг фойдаланишга топширилишини тезлаштириш, мамлакатимизда тўлақонли рақобат ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 17 январидаги мажлисида белгиланган 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастур доирасидаги энг муҳим устувор йўналишларнинг амалга оширилиши ҳисобот йилида таркибий ўзгаришлар жараёнларининг янада чуқурлашувига, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг юқори суръатларига эришишга хизмат қилди.

2014 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил қилди ва бу инфляция даражасининг 6,1 фоизгача пасайишини, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилишини ва ташқи савдо балансидаги ижобий салдо 180 миллион долларга етишини таъминлаган макроиқтисодий мувазанатлаштириш чоралари билан қўллаб-қувватланди.

Технологик жараёнларни модернизация қилиш ва янгилашни амалга оширишда реал сектор корхоналарини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқурлаштирилган тарзда қайта ишлаш асосида минтақалар саноат салоҳиятининг оширилиши сабаб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга ошди. Ишлаб чиқаришга жорий этилган инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми 2013 йил билан солиштирилганда 3,2 марта ошди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси ва инфратузилмасини мустаҳкамлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва суғориладиган майдонлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, интенсив агротехнологияларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 6,9 фоизга ошди.

Энг муҳим юқори технологияли ва замонавий объектлар ва қувватларнинг фойдаланишга топширилишини тезлаштиришга, хусусий инвестицияларни рағбатлантиришга ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини оширишга йўналтирилган инвестиция сиёсатининг фаол амалга оширилиши капитал қўйилмалар ҳажмининг 9,6 фоизга (доллар эквивалентида 10,9 фоизга) ва пудрат қурилиш ишларининг 18,3 фоизга ўсишини таъминлади.

Аҳоли бандлигини ошириш дастурлари ва истеъмол талабини рағбатлантириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача реал даромадларнинг 10,2 фоизга барқарор ўсиши

таъминлашга ёрдам берди, бу чакана товар айланиши ҳажмининг 14,3 фоизга ва аҳолига пулли хизматлар кўрсатишнинг 11,4 фоизга ошишида намоён бўлди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2013 йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткич	Ўсиш суръати
Ялпи ички маҳсулот	108,1
Саноат маҳсулоти	108,3
Истеъмол товарлари	109,4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	106,9
Қурилиш ишлари	118,3
Чакана товар айланиши	114,3
Пулли хизматлар	111,4
Жами хизматлар	115,4

2014 йилда ишламаётган ва кам қуватли корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва молиявий соғломлаштириш, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектлар негизида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва уларни янги мулкдорларга тошириш ишлари давом эттирилди. Ўтган йил мобайнида тегишли дастурларга киритилган корхоналарни тиклаш учун 1 751,4 млрд. сўм миқдоридаги инвестициялар, шу жумладан 717,9 млрд. сўм миқдоридаги тижорат банкларининг кредитлари йўналтирилди. Натижада ушбу корхоналарда 3 274,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 176,2 млн. доллар қийматидаги маҳсулот экспорти амалга оширилди ва 45 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

2014-2016 йилларга мўлжалланган тайёр маҳсулот, бутловчи маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида 2014 йил мобайнида 486 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси бўйича 3,1 трлн. сўмдан ортиқ қийматидаги маҳсулот ишлаб чиқарилди, импортнинг ўрнини босишдан эришилган самара 1,3 млрд. доллардан кўпни ташкил қилди.

560 турдаги янги маҳсулот, шу жумладан электродуховкалар, газ ва электр плиталар, кондиционерлар, электродвигателлар ва насослар, розеткалар учун штепселлар, мис билан қопланган пайвандлаш симлари, автомобиллар учун антифризлар, спорт майдонлари учун сунъий газон, резина асосидаги ковролан, болалар ўйинчоқларининг янги турлари, спорт анжомлари ва бошқа турдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

2014 йилда асосий экспорт позицияларига жаҳон нархларининг беқарор конъюнктураси шароитида мамлакатимиз экспортбоп товар ишлаб чиқарувчиларининг ташқи бозорлардаги позицияларини сақлаб қолиш мақсадида маҳсулотни рақобатбардошлигини ошириш чоралари билан бир қаторда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини ва номенклатурасини кенгайтириш ишлари амалга оширилди.

2014 йилда 850 млн. доллар қийматидаги 218 та янги маҳсулот тури, шу

жумладан Кобальт ва Жентра автомобиль русумлари, штампли пайвандлаш компонентлари, радиаторлар, кондиционирлаш тизимлари, углеаммоний тузлар, полиакриламид, аммония хлорист, натрийли нитрат, хлорат-магний дефолиант, озуқа аммоний фосфат, фиточой, тиббий идишлар, эмалланган идишлар, аргон, электр билан иситиладиган кўрпалар, автомобил ўриндиқлари, болалар ўйинчоқлари, полимер материаллардан тайёрланган турли хилдаги маҳсулотлар ва ташқи бозорларда талаб этилган бошқа товарлар экспорт қилинди.

Энг муҳим юқори технологияли ва замонавий объектлар ва қувватларнинг жадал фойдаланишга топширилишини таъминлаш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, шунингдек инвестициявий муҳитни янада такомиллаштириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида 2014 йил мобайнида иқтисодиётга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 14,6 млрд. долларни ташкил қилди.

Ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар суммаси 3,0 млрд. доллардан кўпни (21,0%) ташкил қилди ва 2013 йилга нисбатан 14,9 фоизга ўсди, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2,3 млрд. долларни ташкил қилди ва 10,5 фоизга ўсди.

Барпо этилган махсус индустриал зоналар («Навои» ЭИИЗ, «Ангрен» ва «Жиззах» ЭИЗ) ҳудудида 2014 йил мобайнида техник кремний (1 суткада 5 минг тн ишлаб чиқариш қувватига эга), шакар (1 суткада 1 минг тн), меъморий қоплама ғиш (1 йилда 25 млн. дона), гипс кукуни (1 йилда 20 минг тн), гипсокартон (1 йилда 2 млн.кв.м), сув иситиш коллекторлари (1 йилда 15 минг дона), сантехника маҳсулотлари (1 йилда 1,2 млн. дона) ва автотранспортни сиқилган табиий газга ўтказиш учун капот остига ўрнатиладиган жиҳоз (1 йилда 20 мингта жамланма) ишлаб чиқариш бўйича умуий қиймати 130 млн. доллардан ортиқ бўлган 7 та лойиҳанинг амалга оширилиши ниҳоясига етказилди. Шунингдек, мазкур зоналар ҳудудида янги юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича 345 млн. доллардан ортиқ қийматдаги 29 та инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши давом этмоқда.

Бундан ташқари, 2014 йилда минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида саноат соҳасида 6152 та лойиҳа амалга оширилди, шу жумладан 4142 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, 114 мингтадан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

2014 йил якунларига кўра Бухоро-Тўрткўл (141 км узунликдаги) ва Бухоро-Нукус-Қўнғирот (50 км) йўналишлари бўйича А-380 «Бухоро-Нукус-Бейнеу» автомобиль йўлининг 4 полосали цемент-бетон қопламасини, А-380 автомобиль йўли ва “Бухоро шаҳри айланма йўли”нинг кесишувидаги транспорт чорраҳасини, «Қамчиқ» давони орқали ўтган А-373 «Тошкент-Ўш» автомобиль йўлининг участкаларидаги 4 полосали асфальт-бетон қопламасини (20 км), Тошкент-Жиззах-Самарқанд-Термиз йўналиши бўйича М-39 автомобиль йўлининг 4 полосали асфальт-бетон қопламасини (85 км), Самарқанд-Бухоро-Олот йўналиши бўйича М-37 автомобиль йўлининг 4

полосали асфальт-бетон қопламасини (25 км), «Термиз халқаро аэропорти – Хайратон кўпригигача» йўналиши бўйича 30,5 км асфальт-бетон қопламасини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Умуман олганда, 2014 йил якунларига кўра барча турдаги транспорт билан юк ташиш ҳажми 5 фоизга (1455,8 млн. тоннани ташкил қилди), шу жумладан темир йўл транспортида 3,5 фоизга (66 млн. тн), ҳаво транспортида 5,1 фоизга ошди (23,1 минг тн). Йўловчилар ташиш ҳажми 4,8 фоизга (7321,3 млн. киши), шу жумладан темир йўл транспортида 10,1 фоизга (19,2 млн. киши), автомобиль транспортида 4,9 фоизга ошди (7230,4 млн. киши).

2014 йилда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини ва инвестиция иқлимини шакллантириш, қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ортиқча бюрократик ва маъмурий тартиб-таомилларни тугатиш ишлари давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш йўлида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни кучайтиришга, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар сонини чеклашга, қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликларини беришга, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш механизмларини соддалаштиришга, тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришга ҳамда давлат органлари фаолиятининг аниқлигини оширишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ишбилармонлик муҳитни шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар 2014 йилда 26 миндан ортиқ кичик бизнес субъектларининг (фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда) ташкил этилишига хизмат қилди. Кичик бизнес субъектларининг энг кўпи саноат (улар умумий сонининг 24,8%), савдо ва умумий овқатланиш (29,2%) ва қурилиш (12%) соҳаларида ташкил этилди.

Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида 2014 йилда кичик бизнес субъектларига 64,6 млрд. сўм умумий қийматдаги 288 та давлат активи (шундан 182 таси инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан ноль харид қиймати бўйича) сотилди ва 26,9 мингта фойдаланилмаётган давлат мулки объекти ижарага берилди.

Ўтган йил мобайнида мазкур соҳани ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан 9,2 трлн. сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди (2013 йил билан солиштирилганда ўсиш 1,3 мартани ташкил қилди), шу жумладан 1,9 трлн. сўм миқдоридаги микрокредитлар ажратилди (1,4 марта), халқаро молия институтларининг 157,8 млн. доллар ҳажмидаги кредит линиялари ўзлаштирилди (1,2 марта).

2014 йилда кичик бизнес субъектларидан давлат харидларининг ҳажми 467,4 млрд. сўмни ёки давлат харидлари умумий ҳажмининг 99,3 фоизини ташкил қилди.

Умуман олганда, 2014 йил мобайнида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан биржа савдолари орқали 1,6 трлн. сўмлик ўз маҳсулотлари сотилди (ўсиш – 1,8 марта), бу биржа айланмаси умумий ҳажмининг 18,6 фоизини ташкил қилди, шунингдек улар томонидан 4,3 трлн. сўмлик маҳсулот харид қилинди (ўсиш – 1,6 марта).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида 2014 йил якунларига кўра улар томонидан 3,6 млрд. доллардан ортиқ қийматдаги маҳсулотлар экспорт қилинди.

Умуман олганда, қўлланилган чора-тадбирлар кичик бизнес улушининг ЯИМда 56,1 фоизгача (2013 йилда – 55,8), саноатда 31,9 фоизгача (28,1%), инвестицияларда 34,8 фоизгача (33,5%), пулли хизматлар кўрсатишда 48,5 фоизгача (46,7%) ва бандликда 77,2 фоизгача (76,7%) ошишини таъминлади.

2014 йилда сервис инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан фаол чора-тадбирлар амалга оширилди. 2013-2020 йилларга мўлжалланган телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида 2014 йил мобайнида 2 минг км.дан ортиқ замонавий технология бўйича кенг полосали фойдаланиш тола-оптик тармоқ қурилиб, захирага олинди. 2014 йил якунларига кўра ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги хизматлар 890 та провайдер ва оператор томонидан кўрсатилди, 280 та корхона дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритди, ZiyoNET электрон портали кутубхонасига жойлаштирилган 75 мингдан ортиқ таълим ахборот ресурслари ишлаб чиқилди. Рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси 54 фоизгача етказилди.

Умуман олганда, мобил алоқа ва Интернет хизматларидан фойдаланувчи абонентлар сонининг ошиши, ахборот-коммуникация технологиялари асосида кўрсатиладиган хизматлар янги турларининг жорий этилиши ва ривожланиши, шунингдек АТСни рақамлаштириш даражасининг ошиши натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,1 фоизга, компьютерли дастурлаштириш 21,6 фоизга ошди.

Микрокредитлаш ва истеъмол кредитлари беришни ривожлантириш, замонавий халқаро стандартлар ва технологиялардан фойдаланган ҳолда тўлов тизимини такомиллаштириш ҳамда молиявий инфратузилма институтларини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар молиявий хизматлар ҳажмини 33,9 фоизга ошириш имконини берди.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 7 мингдан ортиқ янги лойиҳанинг амалга оширилиши тегили хизматлар ҳажмининг 17,5 фоизга ошишига имкон яратди. Маиший хизматлар кўрсатиш соҳасида 4 мингдан

ортиқ лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида ушбу хизматлар ҳажми 20,7 фоизга ошди.

Умуман олганда, хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг замонавий хизматлар турларидан фойдаланиш имконятини кенгайтириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида мазкур соҳанинг ЯИМдаги улуши 54 фоизгача ошди (2013 йилда – 53%).

2014 йилда қишлоқ хўжалигини техник ва технологик янгилаш ишлари давом эттирилди.

2013-2017 йилларда мелиоратив яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастурининг амалга оширилиши доирасида якунига етган йилда 921,7 км коллекторлар, 8 та мелиоратив насос станцияси, 159 та вертикал дренаж қудуғи, 1 378 та кузатиш қудуғи ва 140,9 км ёпиқ горизонтал дренаж тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Қурилиш пудрат ташкилотларига 171 дона мелиоратив техника лизинг асосида топширилди.

2014 йил мобайнида асосий ва оралиқ экин майдонларига 255,8 минг га сабзавот, 81,5 минг га картошка ва 57,1 минг га полиз экинлари экилди. 2,4 минг га майдонда янги боғлар, 5,6 минг га майдонда интенсив боғлар, 8,9 минг га майдонда узумзорлар барпо этилди. 4,1 минг га майдондаги боғлар 6,1 минг га майдондаги узумзорлар реконструкция қилинди. 422 га майдонда 750 та иссиқхона қурилди.

Натижада 2014 йилда рекорд даражадаги 8,05 млн. тн ғалла (2013 йилга нисбатан 103,1%), 9,3 млн. тн сабзавот (109,1%), 2,5 млн. тн картошка (109%), 1,7 млн. тн полиз маҳсулотлари (108,9%), 2,5 млн. тн мева (110,2%) ва 1,4 млн. тн узум (109%) етиштирилди.

2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чора-тадбирларнинг амалга оширилиши доирасида ҳисобот йилида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун 68 минг тонна сиғимли 123 та янги совутиш камераси қурилди, 2,9 минг тонна сиғимли 5 та совутиш камераси модернизация қилинди**.**

2014 йилда 63,9 минг бош йирик шоҳли қорамолни қамраб олувчи чорвачиликни ривожлантириш бўйича 2262 та лойиҳа, 12,2 млн. бош паррандани қамраб олувчи паррандачиликни ривожлантириш бўйича 833 та лойиҳа, шунингдек балиқчиликни ривожлантириш бўйича 761 та лойиҳа, асаларичиликни ривожлантириш бўйича 1092 та лойиҳа амалга оширилди. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши учун тижорат банклари томонидан чорвачиликни ривожлантириш учун 212,3 млрд. сўм, паррандачилик хўжаликларини ташкил этиш учун 98,3 млрд. сўм ҳамда балиқчилик ва асаларичилик хўжаликларини ривожлантириш учун 16,9 млрд. сўм ажратилди.

Натижада, 2014 йил якунларига кўра йирик шоҳли қорамолларнинг сони 10,99 млн. бошга етди (2013 йилга нисбатан 103,7%), 1,9 млн. тн гўшт (106,7%),

8,4 млн. тн сут (107%), 4950 млн. дона тухум (113%) етиштирилди.

Иш ўринларини яратиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши доирасида 2014 йилда 988,8 мингта иш ўрни, шу жумладан 604,1 мингта иш ўрни (умумий сонининг 61,1 фоизи) қишлоқ жойларида ташкил этилди**.**

2013/2014 ўқув йили касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир шаҳар ва туман бўйича битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва уларнинг ўқишдан кейин ушбу корхоналарга ишга жойлаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг амалга оширилиши натижасида 2014 йил якунларига кўра 423 минг нафардан ортиқ касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга жойлаштирилди.

Шу билан бир қаторда умумтаълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида 2014 йил мобайнида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўз бизнесини йўлга қўйиши учун тижорат банклари томонидан 200 млрд. сўм миқдорида (2013 йилдагига қараганда 1,4 марта кўп) кредит маблағлари ажратилди.

Иш ўринларини яратиш ва аҳолининг фаровонлигини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг 23,2 фоизга ва аҳоли жон бошига реал даромадлар ҳажмининг 10,2 фоизга ўсишини таъминлади.

2014 йил мобайнида республикамиз ***таълим тизимида*** ўқув муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни ўқув қуроллари билан жиҳозлаш, ўқитувчилар таркибининг малакасини ошириш ҳисобидан таълим тизимининг моддий-техник базасини такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

Хусусан, 216 умумтаълим ва махсус мактабни реконструкция қилиш ва 158 та ана шундай мактабни мукаммал таъмирлаш, уларни ўқув мебели, компьютер синфлари, ўқув-лаборатория асбоблари билан жиҳозлаш учун 317,5 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилди. 10 та академик лицей ва 129 та касб-ҳунар коллежини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ҳамда уларни зарур асбоблар билан жиҳозлаш учун 154,2 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар йўналтирилди.

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида, 2014 йил якунларига кўра, умумтаълим мактаблари 9-синфининг 501,2 минг нафар битирувчисидан 499,5 минг нафари (ёки 99,6%) ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизими билан қамраб олинди.

2014 йил мобайнида ***соғлиқни сақлаш*** муассасаларини оптималлаштириш ва реструктуризациялаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, касалликлар профилактикасини кучайтириш, тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш, аҳолига тиббий ёрдам

кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича изчил ишларнинг амалга оширилиши давом эттирилди.

Хусусан, 2014 йил мобайнида 9816 ўринли ва бир сменада 10,1 минг нафар беморни қабул қилиш қувватига эга бўлган соғлиқни сақлаш объектлари фойдаланишга топширилди. Республика марказларининг асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлик даражаси 75 фоиздан оширилди, шу жумладан уларнинг юқори технологияли асбоб-ускуналар жиҳозланганлик даражаси 70 фоизга етказилди.

Амбулатория-поликлиника муассасалари, республика марказлари моддий-техник базасининг мустаҳкамланиши, уларнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши ва умумврачлик амалиётининг кенгайтирилиши натижасида стационарларга госпиталлаштириш даражаси 100 нафар беморга 17,0 нафардан 15,9 нафаргача, бемор стационарда бўлишининг ўртача узунлиги 8 кундан 7,6 кунгача камайди.

Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қурилиши бўйича дастурнинг амалга оширилиши доирасида 1934,7 млрд. сўм миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилиб, 2014 йил дастури бўйича 11 мингта уй фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ жойларида янги тураржой даҳаларини зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий-бозор инфратузилмаси объектлари билан таъминлаш мақсадида 2014 йил мобайнида 468,5 км сув таъминоти тармоғи, 379,6 км газ таъминоти тармоқлари, 211,9 км олиб борувчи ва ички автомобиль йўлари, 324,3 км электр тармоқлари, 301 комплект трансформатор кичик станцияси фойдаланишга топширилди. Қишлоқ даҳалари ҳудудида 148 та ижтимоий-бозор инфратузилмаси объекти қурилди.

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида, 2014 йилда, республикамиз бўйича жами 11327,6 минг кв.м уй-жой (2013 йилга нисбатан 106,8%), қишлоқ жойларида 8378,9 минг кв.м уй-жой (104,2%) фойдаланишга топширилди. 2822,9 км, шу жумладан қишлоқ жойларида 2282,3 км сув тармоқлари, 525,9 км, шу жумладан қишлоқ жойларида 341,6 км газ тармоқлари ишга туширилди.

“Соғлом бола” Давлат дастурининг амалга оширилиши доирасида ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунлари лойиҳалари ишлаб чиқилди: янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг “Йод танқислиги касалликларининг профилактикаси тўғрисида”ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоялаш тўғрисида» ва «Аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлиги тўғрисида».

Аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини сақлаш, аҳолининг овқатланишини яхшилаш,

ун ва тузни фортификациялаш, кўкрак сути билан боқишни тарғиб қилиш, ҳомиладор аёлларни ва 5 ёшгача бўлган болаларни витаминли препаратлар билан таъминлаш дастурий чора-тадбирлар амалга оширилди. Оналар ва болалар соғлиғини сақлаш дастури доирасида 2014 йилда 13,6 млн. нафардан ортиқ туғриқ ёшидаги аёл, шунингдек болалар ва ўсмирлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Умуман олганда, “Соғлом бола” Давлат дастурининг амалга оширилиши учун 2014 йилда 4 965 млрд. сўм ва 266,1 млн. АҚШ долларари миқдоридаги маблағлар йўналтирилди.